

**Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги ва унинг
тасарруфидаги корхона ходимларининг одоб-ахлоқ қоидаларига риоя
этилишини назорат қилиш бўйича комиссия йиғилиш
Б А Ё Н И**

2018 йил «11» апрель

5 - сон

Тошкент шаҳри

Раислик қилувчи:	Б.Сагдуллаев	- Агентлик бош директори ўринбосари, Одоб-ахлоқ комиссияси раиси
Қатнашганлар:	А.Ахмедова	- Агентлик Касаба уюшмаси қўмитаси раиси
	Г.Кенжаахунова	- Кадрлар бўйича инспектор
	А.Юлдашов	- Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Агентлик БТ етакчиси
	Г.Юсупханова	- Агентликнинг Коррупцияга қарши курашиш бўйича координатори (котиб)

КУН ТАРТИБИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 02.02.2017 йилдаги ПҚ-2752-сонли қарори билан тасдиқланган Коррупцияга қарши курашиш бўйича Давлат дастурида белгиланган чора-тадбирлар ижросини таъминлаш юзасидан ва 2018 йилнинг 1 чорагида амалга оширилган ишлар тўғрисида.

2. Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги ва унинг тасарруфидаги корхона ходимларининг одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш бўйича амалдаги комиссия таркибига “IP-CENTER” Ўқув маркази ДУК ходимлари номзодини киритиш ҳақида.

(Сагдуллаев, Кенжаахунова, Ахмедова, Юлдашов, Юсупханова Сагдуллаев)

Кун тартибидаги дастлабки масала бўйича Агентлик бош директори ўринбосари, Одоб-ахлоқ комиссияси раиси Б.Сагдуллаев сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 02.02.2017 йилдаги ПҚ-2752-сонли қарори билан тасдиқланган Коррупцияга қарши курашиш бўйича Давлат дастурида белгиланган чора-тадбирлар ижросини таъминлаш юзасидан ва 2018 йилнинг 1 чорагида амалга оширилган ишлар тўғрисида тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда ҳамда амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан асослантирилган таклиф ва тавсияларни белгиланган муддатларда Бош прокуратурага ёзма ва электрон шаклда масъул ходим тақдим этиши лозимлигини айтиб ўтди.

Ўз навбатида Агентликнинг Коррупцияга қарши курашиш бўйича координатори Г. Юсупханова Ўзбекистон Республикаси Президентининг 02.02.2017 йилдаги ПҚ-2752-сонли қарори билан тасдиқланган Коррупцияга

қарши курашиш бўйича Давлат дастурида белгиланган чора-тадбирлар ижросини таъминлаш юзасидан ва 2018 йилнинг 1 чорагида амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисобот бериб ўтди

Жумладан, Коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланган ҳолда Давлат дастурида белгиланган вазифа ва топшириқлар сўзсиз бажариб келинаётганлигини ҳамда Агентлик томонидан бир қатор ички меъёрий ҳужжатлар қабул қилинганлигини ва мазкур ҳужжатларда Давлат дастурида белгиланган чора-тадбирлар ўз вақтида амалга оширилишини таъминланиши белгиланганлигини айтиб ўтди.

Шу билан бирга, Коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича турли тадбирлар ҳақидаги маълумотлар жамламаси Бош прокуратурага тақдим қилиниши учун ёзма ва электрон шаклда юборилиши ҳақида таъкидлади.

Шунингдек, Комиссия аъзоси А. Юлдашов Агентликда коррупция ҳолатларини олдини олишда кенг жамоатчилик вакилларини ҳам иштирокини таъминлаш мақсадида Агентликнинг расмий веб-сайтида жойлаштирилган СЎРОВНОМАга ҳозирда мурожаат келиб тушмаганлигини айтиб ўтди.

Кадрлар бўйича инспектор Г.Кенжаахунова Коррупцияга қарши курашиш бўйича Агентликнинг 2017 йил 3 ноябрдаги 123-сон буйруғи билан Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги ва унинг тасарруфидаги корхона ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари тасдиқланган. Ушбу Қоида “IP-CENTER” ДУК ходимларига ҳам тегишли бўлганлиги сабабли Ўқув марказининг Касаба уюшмаси кўмитаси раиси Н.Аничкина ва юридик хизмат ходими В. Баратоваларни комиссия таркибига киритиш лозимлигини таъкидлади.

Ўз навбатида мазкур комиссия аъзолари томонидан кун тартибидаги масалалар ва номзодлар юзасидан эътирозлар билдирилмади.

Агентликнинг Касаба уюшмаси кўмитаси раиси А. Ахмедова Одоб-ахлоқ Қоидасига мувофиқ “IP-CENTER” ДУК ходимлари ҳам юқоридаги комиссияга мурожаат қилишлари мумкинлигини ҳамда ҳозирда мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш долзарб масала ҳисобланишини ва бу борада ташкилотлар фаолиятдан қатъий назар коррупция иллатига қарши барча курашмоғи зарурлигини айтиб ўтди.

Комиссия раиси Б.Сагдуллаев мазкур комиссия иш фаолиятида самарадорликни таъминлаш, манфаатлар тўқнашувини олдини олиш, иш жамоасида ўзаро ҳурмат ва белгиланган одоб-ахлоқ меъёрларига қатъий риоя қилишликни таъминлаш мақсадида комиссия йиғилишидаги кун тартибига киритилган масалалар юзасидан ўз фикрини билдирди.

Кўрилган масала бўйича билдирилган фикр ва мулоҳазалар муҳокамаси асосида **қарор қилинди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 02.02.2017 йилдаги ПҚ-2752-сонли қарори билан тасдиқланган Коррупцияга қарши курашиш бўйича Давлат дастурида белгиланган чора-тадбирлар ижросини таъминлаш юзасидан ва 2018 йилнинг 1 чорагида амалга оширилган ишлар маълумот ва ижро учун қабул қилинсин ва амалга оширилган ишлар юзасидан Бош прокуратурага ёзма ва электрон шаклда белгиланган муддатда маълумотлар тақдим этилсин. (Юсупханова).

2. Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги ва унинг тасарруфидаги корхона ходимларининг одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш бўйича амалдаги комиссия таркибига Ўқув марказининг Касаба уюшмаси кўмитаси раиси **Н. Аничкина** ва юридик хизмат ходими **В. Баратовалар** номзоди киритилсин.

3. Мазкур йиғилиш қарори ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Комиссия раиси

Б.Сагдуллаев

Котиб

Г. Юсупханова